



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10057454>

Ahmatov Abutolibkhan Ochilkhan's son

"TIQXMMI" National Research University

Karshin Institute of Irrigation and Agrotechnology

Assistant of the "Geodesy and Geoinformatics" department

ABSTRACT

Analysis methodology and theoretical foundations of rational use of water resources have been developed. The theoretical foundations of building an empirical model using digital technologies for the rational use of water resources in the region have been improved.

key words

digital technology, empirical model, econometric model, forecast results, information system, endogenous variables, exogenous variables.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ СМАРТ СУВ ТУЛОВИ

Ахматов Абутолибхон Очилхон ўғли

"ТИҚХММИ" Миллий тадқиқот университетининг
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти
"Геодезия ва геоинформатика" кафедраси асистенти

АННОТАЦИЯ

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг таҳлил қилиш методологияси ва назарий асослари ишлаб чиқилган. Вилоятда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда рақамли технологиялардан фойдаланиб эмпирик моделини қуриш нинг назарий асослари такомиллаштирилган.

калит сўзлар

рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.

Кириш

Бугунги кунда энг муҳим бўлган ресурс - тоза ичимлик сувидир. Демак, ҳозирги кун учун энг долзарб масала - ичимлик суви сарфини



рақамлаштириш орқали оптималлаштириш масаласидир. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг чекланмаган эҳтиёжи ва ресурсларнинг чекланганлиги орасидаги номутаносиблик ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг асрий камёблик муаммоси бўлиб келмоқда. Бундай жамиятда кишилар ўз эҳтиёжларини фақат мавжуд ресурсларга таяниб қондиришлари лозим. Инсон учун энг муҳим йўналишларидан сув таъминоти ва сув ресурсларини тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни энг мақбул усули сифатида биотехнология ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) дан фойдаланилади. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш учун зарур бўлган табиий, моддий, меҳнат ва бошқа факторларнинг ўзаро муносабатлари ресурслар тушунчасини келтириб чиқаради. Ресурслар сарфи ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг мавжуд техника-технология даражасига ҳамда фан-техника янгилекларининг ишлаб чиқаришга қай даражада қўлланилишига боғлиқ бўлади. Бу даражанинг юқорилигига қараб, инсон эҳтиёжини қондириш учун ресурслар сарфининг камлигини белгилашимиз мумкин. Ресурсларнинг камёблигини ер, сув, ер ости ва ер усти сувларнинг чегараланганлиги, шунингдек, сувнинг етишмаслиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар билан тушунтириш мумкин. Сув ресурсларини қайта тиклаб бўлмайди. Шу боисдан аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, аҳолини сув билан таъминлаш ва тоза сувдан оқилона фойдаланишни тартибга солиш жараёни долзарб масала ҳисобланади.

Айникса минтақамиз қишлоқ жойларида дәхкончиликда, чорвачиликда сувдан оқилона фойдаланиш объектив зарурият ҳисобланади. "Технология" ёндашуви трансмиллий "Сиско" компаниясининг глобаллашув бўйича бош мутахассиси Анил Менон томонидан "қишлоқ жойларида вертикал равишда боғланган тармоқларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун ақлли тармоқларга уланган рақамли технологиялар ёки АКТ дан фойдаланадиган қишлоқ" қа ақлли қишлоқ деган таърифни беради¹. Ушбу муаммолар машиналар, кўча ҳаракати, транспорт, ташқи ёриткичлари, сув таъминоти ва уни бошқариш, хавфсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатишга таъсир қилиши мумкин. "Ақлли қишлоқ" ушбу жараёнларни қишлоқ хизматларини янада яхшироқ қўллаб-куватлаш ва оптималлаштириш, ресурслар истеъмолини камайтириш ва нархларни ушлаб туриш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси, қишлоқ меҳмонлари ва ўз худудида бизнес билан фаол ва самарали

¹ <https://www.ciscolive.com/2021.html?cid=2021cdcnv-hp&dtid=odidc000509&ccid=cc002287>



мұлоқот қилиш үчүн маблағ ва имкониятларни тақдим этиш имкониятларини көнгайтирадыган технологик ечимларга таянади².

Жаһонда ахолини сув билан таъминлаш, сувдан фойдаланишни тартибга солиш үчүн турлича усуллардан фойдаланадылар. Масалан Флоридада сув - күпинча сув үчүн тұлов ойлик ижара нархига киристилген. Энг арзона сув таъминоти Флорида ахолиси үчүн - ойига 6 доллар. Висконсин ва Вермонтда улар тахминан 18 доллар тұлайтылар. Энг йирик векселлар Аляскада (95 доллар) ва Ғарбий Виржинияда (72 доллар).³

Европа давлатларида сув таъминоти бүйіча олиб борилаёттан жараёнларда сув етказиб беришнинг икки хил тури бўлиб уларга алоҳида тұловлар амалга оширилади, тўғридан-тўғри тоза ичимлик суви ва оқова сувлар етказиб берилади. Аҳоли ундан қандай фойдаланиши муҳим эмас, оқова сув кувурлари (канализация) үчүн алоҳида тұлов амалга оширилади.

Германияда чиқинди сув нархи 1м³ үчүн тахминан 3,22 еврони ташкил этади, совуқ сув үчүн ўртача ҳисобда мамлакат ахолиси йилига атиги 69-75 евро тұлайтылар⁴. Совуқ сув үчүн тұланадыган коммунал тұловлар ҳам ҳар бир мамлакатда бир биридан катта фарқ қиласы. Черногорияда доимий сувнинг 1м³ 0,54 еврода, Испанияда эса атиги 0,16 еврода тенг, аммо ойлик обуна тұловини ойига 6,79 евро тұлаши керак бўлади⁵.

Японияда электр энергияси ва иссиқлик таъминоти ўртача статистикада японияликлар үчүн қиммат харажат ҳисобланади. Шунинг үчүн электр энергияси ва иссиқлик жуда катта эътибор билан тежалади. Қишки иситиш тизими индивидуал, фақатгина керакли хоналар иситилади (чунки қиммат) ва хонанинг ҳарорати ўртача 16-18⁰ С ни ташкил этади. Сув бир марта ваннага қуйилғач ундан бир неча оила аязоси фойдаланади (ваннанинг илиқ сувидан тақрор ва тақрор фойдаланилади). Ваннадан кейин душда ювинилади. Сабаби сув ва энергия қиммат. Иситилмаган (ёки 15-17⁰C) хоналарда электр күрпалар (одеял) дан кенг фойдаланилади. Бундай ёндашув ҳам энергия тежамкорлығи билан боғлиқ.

Шу боисдан ривожланған хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб шаҳар коммунал хизмат күрсатыш корхоналари билан туман

² Teena Maddox. The world's smartest cities: What IoT and smart governments will mean for you. Журнал TechRepublic, ноябрь 2015г. <https://www.techrepublic.com/article/smart-cities>, перевод – Фонд «Институт экономики города»

³ <http://nashiusa.com/interesno/skolko-stoyat-kommunalnye-uslugi-v-ssha/> Сколько стоят коммунальные услуги в США - Наши в США

⁴ Брискер О.П. Система управления жилищно-коммунального хозяйства в странах центральной и восточной Европы / О.П. Брискер // Социально-экономические и правовые основы развития экономики. – Уфа. ЭТЕРНА, 2015. – С. 3-14.

⁵ Брискер О.П. Система управления жилищно-коммунального хозяйства в странах центральной и восточной Европы / О.П. Брискер // Социально-экономические и правовые основы развития экономики. – Уфа. АЭТЕРНА, 2015. – С. 3-14.



коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини ракамли интеграцион алоқаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда юқоридаги таҳлил мълумотларига таянган ҳолда сув таъминотларининг истеъмол тарифларининг ошиши қишлоқ билан шахар ўртасидаги тафовутни янада оширади. Чунки аҳолининг сув ресурсларга доимо ўсиб бораётган талабларини қондириш қўшимча қувватларни ишга туширишни талаб этади. Сув ресурслари танқис бўлиб бораётган шароитда аҳоли талабларини тўлиқ қондириш, қўшимча қувватларни ишга тушириш учун кўп харажат қилишни тақозо этади.

1-жадвал

Кейинги йиллардаги Республика сув билан таъминлаш ташкилотларни ривожлантириш борасида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар

№	МЕЪРИЙ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ КЖАТ НОМИ	ҲУЖЖАТ И	ҲУЖЖАТНИНГ ЗМУНИ	ҚИСКАЧА
1	2021- 2025 йилларда ӯзбекистон лоқ хизмат кўрсатишида тм ва инновациялар мини устувор ожаланишириш ҷепцияси	Ўзбекистон убликаси зидентининг йил 3 олдаги ПФ-6159- фармонига 1-илова	Кейинги йилларда қишлоқ хизмат атишда илмий-тадқиқот фаолияти радорлигини ошириш, илғор ологиялар, илм-фан ютукларини кенг атиш ва инновацияларни жорий қилиш ин боғлиқ хизматларни ташкил қилиш исида муайян чора-тадбирлар амалга риљмоқда.	
2	Ўзбекистон убликаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш рлиги хузуридаги млик сувидан дарланишини назорат ш инспекцияси исидаги низомни иклаш ҳақида	Ўзбекистон убликаси рлар камасининг Карори №108-24.02.2020	Ўзбекистон зидентининг «аҳолининг ичимлик сувин таъминланганлик даражасини ошириш унинг сифатини яхшилаш учун кистон Республикасининг сув рсларини бошқаришни миллаштириш чора-тадбирлари исида» 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883- Фармони ижросини таъминлашадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади	Республикаси
3	Уй-жой коммунал кўрсатиш соҳаси имлари меҳнатига ҳақ ш ва уларни моддий атлантириш тартиби исидаги низомга отириш ва қўшимча тиши ҳақида	Ўзбекистон убликаси рлар камасининг Карори №957-28.11.2019	Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг таъминоти ва канализация обьектлари илиши бўйича инжиниринг компанияси»ят унитар корхонаси ходимларининг ҳақига ҳақ тўлаш шартларини янада миллаштириш, шунингдек, уни малакали ҳассислар билан тўлдириш мақсадида рлар Маҳкамаси қарор қилади	



4	Республика аҳоли стларида ичимлик сув пиноти ва канализация мларини янада яхшилаш и-тадбирлари тұғрисида	Ўзбекистон убликаси рлар камасининг Қарори 700-сон 3.2018	Ўзбекистон видентининг сифлари тириклардан стларининг ичимлик сув таъминоти ва лизация тизимини янада яхшилаш адида	Республикаси республика худудларига давомида берилган келиб чиқиб аҳоли стларининг ичимлик сув таъминоти ва лизация тизимини янада яхшилаш адида
5	Коммунал хизмат атиши соҳасида исодий ислоҳотларни рлаштиришнинг янги ичи тұғрисида	Ўзбекистон убликаси видентининг Фармони ПФ- сон 17.04.2001		Худудий коммунал фойдаланиш иашмалари бевосита Қорақалпоғистон убликаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ошкент шаҳар ҳокимларни ихтиёрига тапди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик нлари уй-жой эгалари кенгашлари плантирилмоқда. Сув, газ ва иссиқлик тиясини ҳисобга олувчи асбобларни аб чиқариш ташкил қилинди, уларни қўп ли уй-жой биноларига ўрнатиш бўйича ари

Шу жумладан мамлакат қишлоқ ҳудудларида "смарт коммунал хизмат" кўрсатиш моделини яратиш аҳолини сув таъминотидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан муҳим ижтимоий-иктисодий вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда сув таъминот тармоқларини модернизация қилиш ҳамда аҳолининг истеъмол талабларига мос равища ривожлантиришга ислоҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб эътибор қаратилган.

Сувдан фойдаланишни баҳолашда аҳоли жойлашуви эътиборга олинган бўлиб, бунда энг аввало, унинг яшаб турган қишлоқ ҳудуди алоҳида ўрин тутади. Биз Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида сув таъминотини таҳлил қилишимиз учун ҳудудларга бўлиб ўргандик. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Қашқадарё вилояти қишлоқ жойларида сувдан фойдаланишнинг ҳудудий таҳлили

№	Ҳудудлар иби	Қамраб олинган длар	Изоҳли таҳлиллар натижалари
1	Тоғолдири) длар	Китоб, рисабз, Яккабог, онобод туманлари а Чироқчи ва ши нларининг и киради.	Мазкур ҳудудларда ичимлик суви табиий ҳолда, булоқ ва дарё сувлари билан таъминланган. Газ н таъминланганлик даражаси жуда паст, шубли ёқилғи муаммосини дараҳтларни кесиб ҳал тоқдалар. Бу экологиянинг бузилишига катта кўрсатади. Бу ҳудудларда ёғингарчилик кўп анилиги сабабли транспорт йўллари талаб



			жасида эмас. Ҳозирги вактда электр энергияси ислиги яккол кўриниб турибди, бу муаммоларни килиш учун электр энергияси ишлаб чиқарувчи оотлар куриш лозим.
2	Ўрта длар	Чирокчи ши нларининг и, Қарши, узор туманларини тига олади.	Мазкур худудларда ичимлик сувидан даланишда сунъий сув ҳавзаларидан даланилади ва етказиб бериш ўрта даражада. Бу дларнинг ўзига хослиги транспорт йўли ва газ н таъминланганлик даражаси бошқа туманларга танданда анча юқори.
3	Кўйи длар	Касби, Нишон, ишкор, Муборак туманларни ўз а олади.	Муборак ва Нишон туманларида майший атлар билан таъминланганлик даражаси бошқа нларга қараганда анча юқори, чунки бу ерда аб ишлаб чиқариш коммунал хизмат кўрсатиш оналари мавжуд, шу боис иш билан бандлик юқори жада.

2-жадвалнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, аҳолини сув билан таъминлаш хизмат қилувчи ташкилотлар истеъмолчилари билан ишлаш учун ахборот майдонларини кенгайтириш, кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва қарздорлар билан молиявий-иктисодий иш олиб бориш сиёсатини ишлаб чиқиши керак. Айниқса сув таъминоти учун автоматлаштирилган минтақавий ахборот тўлов тизимини моделлаштириш ва ривожлантириш мақсаддга мувофиқдир.

Биз уч таркибга бўлиб ўрганган худудларимизда “Смарт” тўлов тизимини ташкил қилишда худудларинг ижтимоий-иктисодий хусусиятлари, географик жойлашуви, табиий иқлими, демографик ўсиши, ичимлик сув билан таъминланганлиги даражаси ҳисобга олинган ҳолда қўйидаги асослантирилган таҳлилий хulosаларга келдик.

Мамлакатимизда сувдан фойдаланишнинг муҳандислик коммуникация тизимларининг илмий жихатлари ҳозирги кунга қадар мукаммал ўрганилмаган. Бундай тажрибалар мукаммал ўрганилган тақдирда, фикримизча, ҳозирги вактда юзага келган оғир коронавирус пандемияси шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда асқотган бўлар эди.

Қайд қилиш жоизки, мамлакатимизда ҳозирги кунгача қишлоқларда сақланиб қолган коммунал хўжалиги ҳолатининг тарихига назар соганимизда, сардобаларни илмий тадқиқ этиш натижалари уларда айнан баҳорги ёғингарчиликлар мавсуми тугагунга қадар, кейинги кузги ёмғирлар мавсумигача етарли сув миқдорининг йигилиши, қуёш нури ва



ифлосланишдан ҳимоялаш, юқумли касаллик ва заарли бактериялар тарқалишининг олдини олиш имкониятларининг мужассамлиги, оқова сув тизими ва ҳаво айланишини таъминловчи коммуникацияларнинг мавжудлиги бу иншоотлар қурилиши мукаммал эканлигидан ва илмий асосланганлигидан далолат беради.

Қишлоқ жойларда сув таъминотини сувдан оқилона фойдаланишни рақамлаштиришда АКТдан фойдаланиб ташкилий, иқтисодий ва бошқарув муносабатларини истиқболли услубий воситаларини излашни тақозо этади.

Фикримизча, сув ва сувдан фойдаланиш таъминотининг хизматларини "Смарт марказлар"га бирлаштирилса, аҳоли эҳтиёжи ва талабига жавоб бера олиш имконига эга бўламиз.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар "Смарт сув тулови" тизимидан, мисол тариқасида, сувдан оқилона фойдаланишга йўналтирилган тадбирларни қараймиз (3-жадвал).

3-жадвал

Сувдан фойдаланишда рақамли трансформация жараёнини ташкил қилишнинг асосий стратегик йўналишлари

Рақамли трансформация жараёнининг стратегик йўналишлари	Вазифалари
БИМ технологияларини инфратузилма объектларининг ҳаёт айланиш жараёнида қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> - БИМ асосида рақамлаштириш қишлоқ инфратузилмаси обьектларининг ҳаётй циклининг барча жараёнларини камраб олади, сувдан фойдаланиш ва уй-жой хизматлари кўрсатиш сифатининг ошишини таъминлатди; - инфратузилма обьектларининг рақамли нусхаларини яратиш, сув таъминотини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ва обьектларини жорий этиш
"Биг дана" ва сунъий интеллектга асосланган умумий "Тизимлар таъминотини" шаклантириш	<ul style="list-style-type: none"> - мавжуд сув ва сув таъминоти тизимларининг ягона яхлит тизимини шаклантириш; - яхлит тизим инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа бир қатор маълумотларни ўз ичига олади; - сув таъминотини бошқариш жараёнида катта маълумотлар технологияси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш
Рақамли платформалар ва ИоТ(Интернетта уланган сон-саноқсиз дастурлар) технологиясидан фойдаланиш	<ul style="list-style-type: none"> - сув билан таъминлаш хизматларини бошқариш обьектлари датчикларидан, шунингдек, хисоблагичлардан тўғридан-тўғри маълумот олиш жараёнида нарсалар интернети технологиясини жорий этиш;



	- хисобга олиш ва сув туловлари учун тўловларни автоматлаштиришни таъминлайдиган ўлчаш мосламаларининг Интернетта уланиши
Уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришда ахборот-тахлил воситаларини қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> - Ахборот-тахлил воситаларидан фойдаланишини кенгайтириш, шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида матн ва нуткни семантик тахлил қилиш, кўп ўлчовли статистик тахлил ва мураккаб воқеаларни қайта ишлаш; - сув таъминоти ташкилотларини молиялаштириш ҳажмини аниқлаш, иш сифатини назорат қилиш ва х.к.да инсон омилини минималлаштириш керак.
“Блокчейн” технологиясини амалга ошириш	-сув таъминоти хизматларининг шаффоғлигини ошириш, рақамли битимлар, хужжатлар, овоз бериш натижаларини ўтказиш, шунингдек, краудсоорсинг лойихаларини ишлаб чиқиш ва бажарилган ишларни назорат қилиш учун технологиядан фойдаланиш.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари иқтисодиёт ва унинг соҳаларини барқарор ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу туфайли тадқиқотда мавжуд усул ва ёндашувларларга асосланиб, сув ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар “Смарт сув тулови” модели ва тўловлар миқдорини хисоблашнинг қуйидаги такомиллаштирилган усули таклиф қилинди.

$$Q_{um}(t, \tau) = \sum_{i=1}^s \frac{S_i(t, \tau)}{C_i(t, \tau)} \quad (1)$$

т- йилнинг t - ойига мос, амалда истеъмол қилинган , ёки сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^{12} Q_{um}(t, \tau) \quad (2)$$

т-йилга мос, амалда истеъмол қилинган сув миқдори;

$$Q_{um}(t) = \sum_{i=1}^T Q_{um}(t) \quad (3)$$

Т-йил даврда, мос ҳолда, амалда истеъмол қилинган сув миқдори;

$$\bar{C}_k(t, \tau) = \frac{S_1(t, \tau) + \dots + S_n(t, \tau)}{Q_1(t, \tau) + \dots + Q_n(t, \tau)} \quad (4)$$

т- йилнинг t -оийига мос ўртача 1куб метр сувни тарифи, сўмда;

4-жадвал

Математик усуллардан фойдаланилган ҳолда смарт хисоблагичларнинг истеъмол қилинган сув миқдорини хисоблаш

No	Истеъмол қилинган тр энергияси, газ ва сув	Хисоблаш формуласи



	дорларини ҳисоблаш	
1	Сув	$\bar{C}_{\text{сув}}(t, \tau) = \frac{S_n(t, \tau) + \dots + S_n(t, \tau)}{Q_n(t, \tau) + \dots + Q_n(t, \tau)}$

Бундаги шартли белгилар қуийдаги маънони билдиради:

$C_{\text{сув}}(t, \tau)$, $C_{3\text{сув}}(t, \tau)$ - мос ҳолда, ахоли учун 1 м³ сувга тўланадиган сумма (тарифи, ой учун) ва ахолининг сув учун тўлаган ойлик тўловлари суммаси.

“Смарт сув тулов” кўрсатиш марказининг “аклли” ҳисоблагичларини назорат қилиш техник хизматлар кўрсатиш орқали катта қулайликларга эга бўлишимиз мумкин:

➤ марказнинг рақамли видео девор (улкан харита) орқали диспетчер реал вақт режимида кузатиладиган тизимнинг ҳар бир тугунидаги вазиятни кузатиши мумкин бўлади;

➤ аклли ҳисоблагичлардан маълумотларни автоматик узатиш имконияти мавжуд тўловларни реал вақт режимида кузатиши мумкин.

“Смарт сув тулов” маркази, коммунал тармокларда аварияларни нолга камайтиришга ва рақамли бошқарув технологиялари орқали уй-жой коммунал хизматларининг марказлаштирилиши ахоли турмуш сифатининг ошишига имкон беради.

Натижада «Обод қишлоқ» (Смарт виллаге) пайдо бўлишига олиб келади. “Смарт виллаге” термини амалий тадқиқотларни умумлаштиради ва “аклли” қишлоқларнинг асосий хусусиятларини тавсифлайди. Қишлоқ жойлардаги фуқаролар учун барқарор, фаровон ва кенг қамровли келажакни таъминлаш мақсадида сунъий равишда яратилган муҳитда жисмоний, рақамли ва инсон тизимларининг самарали интеграцияси сифатида “Смарт виллаге” аклли қишлоқни тасвирлайди.

Хулоса қиладиган бўлсак: Анъанавий коммунал хизмат кўрсатиш реал хизмат кўрсатишни шакллантирувчи омил сифатида хизмат қиласа, “смарт коммунал хизмат” кўрсатишга қўйилган вазифалар асосида сув, иссиқлик, газ, электр энергиясининг аклли ҳисоблагичлардан онлайн ташкил этишининг пойдевори сифатида хизмат қиласи. Шу билан бирга, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ахборот-коммуникацион технологиялари билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида хизмат кўрсатиш соҳаларининг асосийларидан бири коммунал хизматни рақамли трансформациялашувига ва унинг янги шакли бўлган ва ҳозирги замон талабларига мос келадиган хизматларнинг шаклланишига олиб келади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган контсептсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 6024-сон Фармони. – Тошкент, 2020 йил 10 июл.
2. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.
3. Қишлоқ хўжалик экинлари етиширишда инновацион технологиялар.

Қўлланма. Ғадилов М.М, Атабаева Х.Н, Худойкулов Ж.Б, Гуломов Б, Қодирхўжаев О, Норкулов У, Нормуратов И, Якубов М, Жанакова Д, Акрамов У, Гуломов А.-Т.: 2013 й. 60 б.